

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Жомбой тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Джамбайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 у.г. « 04 » июль

№ 477-Б

Жомбой т., – г. Джамбай

Жомбой тумани “Қанғли” маҳалла фуқаролар йиғини Й.Охунбобоев массивининг 202к-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида “Ўзбектелеком” АКнинг “ЎзМобайл” филиали томонидан антенна мачталарини монтаж қилиш ва техник ускуналарни ўрнатиш учун доимий фойдаланиш билан 60,0 кв.м. ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги ПҚ-4329-сонли “Мобил алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалининг 2020 йил 12 мартдаги 63-17/54-сонли хатини ижросини таъминлаш мақсадида, Ер танлаш давлат комиссиясининг 2020 йил 01 июлдаги далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6, 23-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер танлаш давлат комиссиясининг 2020 йил 01 июлдаги далолатномаси тасдиқлансин ҳамда Жомбой туман “Қанғли” маҳалла фуқаролар йиғини Й.Охунбобоев массивининг 202к-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида “Ўзбектелеком” АКнинг “ЎзМобайл” филиали томонидан антенна мачталарини монтаж қилиш ва техник ускуналарни ўрнатиш учун доимий фойдаланиш билан 60,0 кв.м. ер майдони ажратилсин.

2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ж.Каримовга “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалига антенна мачталарини ўрнатиш учун ажратилган ер майдонини натура тарзида белгилаб бериш ҳамда ер хисоботига тегишли ўзгартириш киритиш киритилсин.

3. Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Жомбой филиали бошлиғи И.Рахимовга ушбу қарорга асосан белгиланган тартибда кадастр ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари Х.Хамраев зиммасига юклатилсин.

